

TAMADDUN NURI

Har qanday
taraqqiyotning
asosi fandır

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy jurnal

ISSN 2181-8258

2017-yil, 3-son

**Фидойинг бўлгаймиз
сени, Ўзбекистон!**

**Мустақиллигимизнинг
26 йиллик байрами билан
қутлаймиз!**





Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-бадий журнал

МУАССИС:

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Муҳаммад АЛИ
Кенгесбой КАРИМОВ
Сирождин САЙИД
Иқбол МИРЗО
Гулистон МАТЌУБОВА
Комил АВАЗ
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Дониёр ҲОЖИЕВ
Муротбой ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Нагмет АИМБЕТОВ
Ғайратдин ХУЖАНИЁЗОВ
Қахрамон ҚУРОНБОЕВ
Қувончбой УРОЗИМБЕТОВ
Аҳмад ОҚНАЗАРОВ
Қурбон ШОНИЁЗОВ
Ваҳоб РАҲМОНОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Шодмон ВОҲИДОВ
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА
Раҳбар ХОЛИҚОВА
Машариб АБДУЛЛАЕВ
Баҳодир ЭШОВ
Неъмат ПОЛВОНОВ
Мэлс ҚОБУЛОВ
Олмос УЛВИЙ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Фотограф: Рўздат УТАМУРДОВ

Саҳифаловчи-бевозчи:

Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Техник муҳаррир:

Улуғбек САИДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали таҳририятининг компютерида саҳифаланди.

Манзилимиз: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани "Халқлар дўстлиги" кўчаси, 11-уй.

e-mail: tamaddun-nuri@yandex.ru;

Тел.: (+99893) 718-30-23;

(+99894) 452-71-95.

Босишга 13.06.2017 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ¼. Наширёт ҳисоб табоғи 6,5.

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан. № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир. Журналда нашр этилган мақолаларда муаллифларнинг таҳририят нўқтаи назарига мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин. Таҳририятга келган қўл ёзма мазмунлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма № 47. Адади 2800 дона.

Тошкент шаҳри, Учтөпа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

МУЌДРИЖА

Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир..... 2

ИФТИХОР

Артур АВАКОВ. Дунё нашрларида Ўзбекистон..... 12

БУРЧ

Фарҳод ЭРМАНОВ. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш – муқаддас бурчимиз ва шарафли вазифамиздир!..... 16

БУГУННИНГ ГАПИ

Мунаввара ЮСУПОВА. Ёшлар ва давлат сиёсати..... 20

ЖАРАЁН

Элмурод ТУРСУНОВ. Жамоат назорати тизимида ўзини ўзи бошқариш органлар роли..... 22

ДЕПУТАТ СОАТИ

Ҳамида МАТКАРИМОВА. Ҳақиқий демократия мактаби..... 23

ТАРИХ. ЖАМИЯТШУНОСЛИК

Зилола ХАЛИЛОВА. Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: амалиёт ва хориж тажрибаси..... 24

МУНОСАБАТ

Гулнора ПОЛВОНОВА. Келажак қурилиши учун олтин ғишт..... 29

ҲИҚМАТЛАР БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб тарбия туғрисида..... 31

ТАРИХ. ФАЛСАФА

Аристотелнинг "Осмон ҳақида"ги китобига доир Берунийнинг ўнта саволи ва унга Ибн Синонинг ўнта жавоби..... 32

НУТҚ САНЪАТИ

Низомиддин МАҲМУДОВ. Овоз – фикр либоси..... 42

ЭТНОЛОГИЯ

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ. Халқ таъбаотида қўлланиладиган касбий жиҳозлар..... 45

НАЗМ

Энахон СИДДИҚОВА. Жонимнинг устидадир Ватан, шону шарафинг..... 49
Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД. Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!..... 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Феруза МАМАТҚУЛОВА. "Тоҳир ва Зухра" достонининг ўзбек вариантлари..... 52

ҚИЗЛАРЖОН

Жайхуннинг оловқалб қизи..... 56

ЎТМИШ

Жабборберган ШОМУРОДОВ. Худоёрхон Қўнғиротда бўлганми?..... 62
Умид БЕКМУҲАММАД. Дарё бўйидаги бандаргоҳ..... 88

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Меҳрибон ЯДГАРОВА. Шукруллонинг "Тирик руҳлар" романида характер ва тасвир руҳияти..... 64

НАСР

Турсунмурод ЭРМАТОВ. Жонқора. Ҳикоя..... 75

ТИЛШУНОСЛИК

Дилдора ҲОШИМОВА. "Бобурнома" матнида математика ва астрономияга оид тасвирий воситаларнинг инглизча таржималардаги талқини..... 67

МУЛОҲАЗА

Луқмон БҮРИХОН. Ота ва оила. Бадиа..... 72

ТАРИХ

Дилфуза БЕГАЛИЕВА. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш масаласининг тарихимизда тутган ўрни..... 80

ТАДҚИҚОТ

Араббой СОТИМОВ. Беғубор болалиқнинг беғараз ўйинларида миллийлик ва тарбиявийлик... 84

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Зиротнома..... 92



Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ,
ЎзР ФА Тарих институти
катта илмий ходим-изланувчиси

Халқ табобатида қўлланиладиган касбий жиҳозлар

Ключевые слова: лекарь, профессиональные инструменты, кухонные приборы, инструменты кровопускания, наштар (игла), тахтакач (гипс), мумия, хирург, сартараш.

Key words: quack, professional equipment's, household dishes, taking blood equipment's, nashtar (needle), hovoncha, takhtakach (gypsum), surgeon, mummy, hairdresser.

Ўзбек халқининг табобат анъаналари асрлар давомида йиғилган амалий тажрибалар асосида тўпланган ва замонлар ўтиши билан янгиланиб, ўзига хос характер касб этиб бораётган миллий меросдир. Халқ табобати анъаналарини ўрганиш жараёнида турли минтақаларнинг тарихи, географик тузилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалик шакллари ҳамда халқ менталитетини ҳам кузатиш мумкин. Чунки табобат халққа хос бўлган ана шу омилларнинг умумий кўринишидир.

Табобат соҳаси асосан аҳоли саломатлигини сақлаш, доривор гиёҳларни топиш ва кўпайтириш, тўғри ташхис қўйиш, касалликнинг олдини олиш, хасталикларни даволаш каби бир қанча вазифалар муштараклигидан иборат. Табобат вакиллари бўлган табиб (ҳаким)лар ўз қизиқишлари ва иқтидорига қараб табобатнинг маълум йўналишини ўрганади ва шу соҳада фаолият кўрсатади. Масалан: синиқчилар, доялар, кинначилар, қаҳқоллар, жарроҳлар ва бошқалар. Йўналишидан келиб чиқиб, табиблар қўллайдиган жиҳозлар ҳам турличадир. Ушбу мақолада табибларнинг дори тайёрлаш, хасталикни даволаш ва бошқа мақсадларда ишлатадиган касбий жиҳозлари ҳақида фикр юритамиз.

Ўзбек халқининг анъана ва урф-одатларига бағишланган изланишларда ҳамда сайёҳлар ва ҳар-

бийларнинг кундалик хотиралари ва эсдаликларида табиблар фойдаланган жиҳозлар ҳақида айрим фикрлар учрайди [3, 13:236-279]. Бу маълумотлар асосан тавсифий характерга эга бўлиб, одатда ушбу жиҳозларнинг умумий кўриниши ва нима мақсадда қўлланилиши каби масалалар доирасида чеклангандир.

Табобат илми қадим даврларга бориб тақалиши туфайли, унда қўлланиладиган жиҳозлар ҳам бир неча асрлик тарихга эга. Жиҳозларнинг айримлари ўзгариб ёки тиббиёт асбоблари билан аралашиб кетган бўлса, бошқалари бугунга қадар ўз ҳолича сақланиб қолмоқда. Шунинг ҳам қайд этмоқ жоизки, айрим ҳолларда бошқа касб эгалари ҳам табобатнинг айрим соҳалари билан шўғулланишган. Жумладан, сартарошлар, ошпазлар, темирчи усталар, атторлар... Демак, айрим касб эгаларининг баъзи бир жиҳозларини ҳам табобатга оид анжомлар сирасига киритиш мумкин.

Табобат соҳаси вакиллари фаолиятига назар ташлаб, касбий жиҳозларни нисбий равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Дори тайёрлашда ишлатиладиган буюмлар.

Касалликни даволашда ишлатиладиган асбоблар.

Табобатда ишлатиладиган бошқа касб жиҳозлари.

Дори тайёрлашда ишлатиладиган буюмлар. Дори тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган жиҳозлар ўша дорининг турига боғлиқ. Халқ табобатида қўлланиладиган дорилар тайёрлаш босқичига қараб икки турга бўлинади: содда ва мураккаб. Содда дорилар "туркона дори" деб ҳам аталган [12:107]. Туркона дориларнинг таркиби одатда битта доривор хом ашёдан иборат бўлиб, уни уй шароитида ҳам махсус анжомларсиз тайёрлаш мумкин. Бу до-

рилар тез тайёр бўлганлиги сабабли анжомларни узоқ вақт таобат учун ишлатишга сабаб бўлмайди.

Дориларнинг иккинчи тури мураккаб бўлиб, уларнинг таркиби бир қанча доривор гиёҳлардан иборат ва тайёрлаш махсус билим ва тиббий анжомларни талаб қилади. Шу омиллар асосида айтиш мумкинки, дори тайёрлашда ишлатиладиган буюмлар ҳам икки туркумга бўлинади:

а) Уй хўжалигида (ошхонада) ишлатиладиган буюмлар (коса, қозон, турли матолар, пичоқ, чойнак, пиёла, қошиқ ва бошқа идишлар). Бу анжомлар туркона дориларни тайёрлашда асқотади. Масалан: мойчечак дамламасини тайёрлаш учун ошхона анжомларининг ўзи етарли ҳисобланган.

б) Махсус асбоблар – ҳовонча, махсус қозон (тайёрланадиган дори турига қараб тошдан, чўяндан, мисдан ва бошқа металлдан ясалгани ишлатилади), элак, тарози, қўл тегирмони, турли ҳажмдаги қошиқлар, махсус дори сақланадиган идишлар кирган[8]. Мураккаб дориларни тайёрлаш табибдан юқори аниқликни ва маълум шароитни (қоронғу хона, соя жой кабилар) талаб қилади. Айрим дорилар эса узоқ вақтда тайёр бўлишини инобатга олсак, дори солинган идиш дори маромига етмагунча банд бўлади. Шунинг учун бу турдаги дорилар махсус анжомларсиз тайёрланмайди.

Қадимда табиб берган рецепт асосида дори тайёрлайдиган махсус кишилар (доригарлар) бўлган ва одатда мураккаб дорилар билан савдо қилишган. Доригарлар ўзлари учун керакли жиҳозлар ва хом ашёга эга бўлишган. Мураккаб дориларни тайёрлаш учун махсус ошхона ва керакли ашёдан ясалган жиҳозлар талаб қилинади. Ўзбекистонда ана шундай дори тайёрловчиларнинг қадимий марказларидан бири Пойканддан[19:35-39] (Бухоро) топилган. Пойканддаги дори идишларининг аксарияти шишадан ишланган бўлиб, турли кўринишда ва ўлчамда эди. Уларнинг аксарияти ҳозирги фармацевтикада ишлатиладиган идишларга ўхшайди. Шиша идишларнинг ранги оч сариқ, яшил, зангори, кўк ва улар қонни сўриб олишда ҳам ишлатилган [2:17]. Табиблар шу кўринишдаги жиҳозлардан асрлар давомида фойдаланишган ва таобат ривожлангани сари махсус идишлар ҳам ўзгариб, шаклланиб борган.

Бугунги кунда аксарият табиблар ўзлари дориворларни йиғади ва дори тайёрлайди. Тажрибали табибларнинг барчасида дорилар тайёрлашда ишлатиладиган жиҳозлар мавжуд ва ушбу жиҳозлар уй хўжалиги учун мўлжалланган янги технологиялар билан бойиб, замонавийлашиб бормоқда. Масалан: электрон тарози, музлаткич ва газ плиталар, электр тегирмон, кофе майдалагичлар шулар жумласидандир. Янги замонавий буюмларнинг жорий қилинишидан кўзланган мақсад ишни осонлаштириш, ўлчамни аниқ олиш, дорини сифатли сақлаш ва бошқалар.

Касалликни даволашда ишлатиладиган

асбоблар. Ушбу турдаги жиҳозларни мос равишда таобат турларига қараб ажратиш мумкин. Чунки таобатда ишлатиладиган умумий жиҳозлар билан бир қаторда соҳаларда ишлатиладиган махсус анжомлар ҳам борки, улар фақат айрим соҳа табибларига тегишли ва хос бўлиб, шу жиҳозлар орқали унинг қандай табиб эканлигини бир қарашда билиш мумкин. Биз ҳам даволашда ишлатиладиган жиҳозларни шу асосда кўриб чиқамиз:

а) Қон олиш амалиёти. Қон олиш – махсус тигли буюм ёрдамида баданнинг маълум қисмидаги вена қон томирининг бутунлигини бузиб, маълум миқдордаги қонни ихтиёрий ҳолда бадан сиртига чиқариш орқали касалликни даволашда қўлланиладиган анъанавий усул ҳисобланади [15:15]. Қон олиш учун ишлатиладиган жиҳозлар қуйидагича:

Қорик (қортиқ). Қон олиш мақсадида ишлатиладиган, одатда қорамол шохидан (асосан буқаники танлаб олинади) ясалади [6]. Кўриниши воронкасифат бўлиб, тананинг маълум қисмига қонни тўплаш мақсадида ишлатилади. Бу асбоб кейинчалик ўрнини маълум муддат тиббий банкага бўшатиб берган бўлса, ҳозирда асосан зулук қўйиш усули ишлатилади.

Наштар. Бу ҳам қон олишда ишлатиладиган асбоб бўлиб, қортиқдан фарқли томони, бу билан инсон танаси (қон олинадиган томир) керакли ўлчамда кесилган. Наштар ўткир учли тиг ва дастакдан иборат бўлиб, қон олувчи табиб унинг тозалигига алоҳида эътибор қаратади. Қортиқ ва наштар махсус қопламада ёки тоза матога ўралган ҳолда сақланади [7].

Зулук – чучук сув ҳавзаларида яшовчи, йиртқич ёки паразит ҳолда кун кечирувчи ҳалқали чувалчанглар вакили [21:164]. Сўнгги пайтда табиблар қон олишда зулукдан кўпроқ фойдаланмоқда. Табобат дарғаларидан бўлган Боситхон Шоший – “зулук солиш борасида ҳинд табиблари катта натижаларга эришган, лекин айрим зулукларда захар бўлгани учун бошқа халқ табобатида унга камдан-кам мурожаат қилишган”, – деб таъкидлайди. Қортиқ қўйиш мумкин бўлмаган айрим жойларга зулук қўйишнинг фойдаси исботлангач, табобатда қўллаш мумкин бўлган зулукнинг кўриниши ва топиш мумкин бўлган жойлар баён қилинган [4:28]. Бугунги кунда табиблар орасида зулук қўйиш кенг тарқалган бўлсада, айрим ҳақимлар бунга салбий муносабатда бўлишади. Масалан, бухоролик табиб Турсун бобонинг фикрича – “зулук танадаги тоза қонни ҳам сўриб олади”, табиб эса наштар ва қортиқ ёрдамида керакли қонни чиқаришда, жараёнга онгли муносабатда бўлар экан [6]. Қадимдан қон олувчи табиблар ёки зулук қўювчилар халқ орасида фаолият юритган. Этнограф О. Сухарева – “Бухоро шаҳрида махсус зулук қўювчи оила истиқомат қилишини ва улар яшайдиган жой маҳаллий халқ томонидан “кўчаи шулукчиҳо” (зулукчи кўча) дейилишини” тилга олади[20:171].

б) Саниқчиларнинг жиҳозлари. Саниқчилар баъзан “шикастабанд” номи билан ҳам аталиб [22:10], улар суякнинг синиши, дарз кетиши, жойидан кўзғалиши (чиқиши) ҳамда этнинг лат ейиши каби ҳолатларда одамларни даволайди. Саниқчилар қўллайдиган жиҳозлар содда ва топилиши осон бўлган анжомлар бўлиб, айрим махсус жиҳозларни ўзлари ясашади ёки унинг муқобил вариантини қўллашади.

Тахтакач. Саниқчи табиблар қўллайдиган энг машҳур анжом. Тахтакач синган суякнинг қимирлаб кетмаслиги учун боғлаб қўйиладиган ёйсимон ёки текис ёғоч [9]. Халқ табобатида тахтакач асосан оддий қуруқ ёғочдан ясалади, синган жой кичик бўлса (масалан: бармоқ) тайёр ва текис бўлгани учун музқаймоқ чўпи [10] ишлатилса, тоғли тожиклар ва Хоразмнинг [5:30,16:58] айрим ҳудудларида яшовчи аҳоли қамишдан ҳам кенг фойдаланган. Аксар табиблар тахтакачни ўзлари тол ёки тутдан ясаган ва муолажага борганда ёнларида олиб юришган. Тол новдаси нов шаклида бўлгани учун унда ҳам қўлни қимирлатмаслик учун фойдаланиш мумкин. Бу жиҳоздан оғриқни бироз босиш ва қўлни асраш мақсадида кўпроқ бемор табиб олдиға келгунга қадар қўлланилади.

Уй тухуми. Тахтакач боғланган жойида қотиб туриши учун тухумнинг сариғига қизил кесак элакдан ўтказилиб аралаштирилади ва ёғоч атрофиға яхшилаб суриб чиқилади [10]. Устидан оддий тоза мато (асосан дока) билан маҳкам боғлаб қўйилган. Табиблар бу муолажа учун хонадонда етиштирилган тухумни афзал биладилар.

Мумиё. Саниқчилар томонидан суяклар тез битиши учун мумиё тавсия қилинади. Умуман бу модда қадимги табибларни ҳам қизиқтириб келган. Манбаларда келтирилишича, “мумиё” юнон тилида “танани ҳимоя қилувчи, сақловчи” деган маънони англатса, араб ва форслар мумсимон юмшоқ ва эрувчан бўлгани учун шундай аташган [18:21]. Мумиёнинг асл ёки сохта эканлигини аниқлаш ва ундан фойдаланиш борасида аксарият саниқчилар малакали табиблар билан маслаҳатлашишни тавсия этади. Одатда суяк бита бошлаганда бу модда тавия этилади.

в) Жарроҳликда қўлланиладиган асбоблар. Бу анжомлар асрлар давомида ривожланиб келди. Табобатга бағишланган бир қанча тиббий асарларда жарроҳларнинг иш қуроли тузилиши, нимадан ясалгани ва қандай вазифани бажариши ҳақида қимматли фикрлар учрайди. Ўрта асрларда фаолият юритган табибларнинг жарроҳлик асбоблари тўғри ва эгри қайчилар, металл ланцетлар, жарроҳлик пичоқлари, илмоқ, игна, кумуш симлар, қисқичлардан иборат бўлган [11]. Адабиётларда моштабиблар ҳам саниқчиликдан ташқари жарроҳлик билан шуғулланишгани ва жиҳозларнинг аксарияти мисдан ясалгани айтилади [17:35]. Жарроҳлар амалиётда кесилган жойни тикишда ҳам ин-

сон танасига мослашувчан турли табиий воситалардан фойдаланган. Соч толаси (ушбу усулни илк бор машҳур табиб Абу Бакр ар-Розий таклиф қилган) [23:240], қўй ичаги [14:121] шулар жумласидандир.

Ҳозирда жарроҳ табиблар муолажа жараёнида замонавий тиббиёт жиҳозларидан фойдаланади. Чунки жарроҳлик асбобларини керакли металлдан ишлаш ва зарур кўринишга келтириш мураккаб технологияни талаб қилади. Тиббиёт жиҳозларига эса керакли ишлов берилган ва қўлай кўринишга келтирилган. Авваллари темирчи усталар ва айрим ҳолларда табибларнинг ўзи имкон қадар жарроҳлик асбобларини қўл меҳнати ёрдамида ясаган.

Табобатда ишлатиладиган бошқа касб жиҳозлари. Табобат тарихига назар солсак, маълум сабаблар туфайли (аксарият ҳолларда малакали табибнинг йўқлиги ёки жуда узоқда эканлиги) бошқа касб эгаларининг ҳам табобат билан шуғулланиши ва даволашда ўзларининг касбига оид асбобларни ишлатишини кўришимиз мумкин. Б каби ҳолатлар барча халқлар табобатида бўлгани каби, ўзбек халқ табобатини ҳам четлаб ўтмаган. Қуйида бошқа касб эгаларининг табобатда қўллаган асбоблари ҳақида тўхталамиз:

а) Сартарошлар. Қадимдан бу касб эгалари тиш олиш, хатна қилиш, айрим яраларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш кабилар билан машғул бўлишган. Сартарошлар фаолияти давомида қуйидаги анжомлардан фойдаланган:

– устара. Сартарошнинг асосий иш қуроли ҳисобланиши билан бирга табобатда ҳам кенг ишлатилган. Масалан: сариқ касалга чалинган кишиларни қулоғи орқасидан қон олишда наштар вазифасида ишлатилади [5:29]. Ўткир тигли устара ришта касаллигини даволашда, хатна қилишда ҳам ишлатилган. Бундан ташқари сартарошлар соч олиш амалиёти давомида мижозларнинг бош қисмини массаж қилган.

б) Темирчилар. Бу касб эгаларининг табобат билан шуғулланиши кам кузатилади. Қадимда темирчиларга мурожаат қилувчилар кўпроқ мистик (ғаритабий кучлар асосида даволаш) табобат вакили сифатида қарашган. Манбаларда айтилишича, темирчилар устахонасига аксар беморлар ўзлари билан кўзачада қайнаган сув олиб келганлар. Уста бу сувга чўғ бўлиб турган кумуш парчасини ташлаган. Чунки кумуш ионлари сувдаги бактерияларни зарарсизлантирган [1:71-77] ва бу сувни ичган бемор тузалиб кетган. Эмпирик табобатда (тажриба йўли билан исботланган усуллар орқали даволаш) эса улар узоқ қишлоқ жойларда тиш олиш билан шуғулланган.

– омбур. Тиш олишда ишлатиладиган асосий иш қуроли. Тиш олувчи жисмонан кучли, қўллари маҳкам тутиб туришга кўниккан бўлиши лозим [6]. Темирчилар жисмонан кучли ва жиҳоз мудом ёнида бўлгани сабабли қишлоқ жойларда уларга ҳам му-

рожаат қилишган. Лекин аксарият ҳолларда сарта-рошлар тиш олиш устаси сифатида тилга олинади.

Барча касб жиҳозлари каби табибларнинг жиҳозлари ҳам турли изланишлар ва кузатишлар натижасида пайдо бўлган ва амалиёт давомида тўпланган тажрибалар асосида шаклланиб борган. Табиблар одатда беморларнинг уйига ташриф буюриб ёки ўз хонадонларида қабул қилиб даволаганлар. Шу сабабли уларнинг барча жиҳозлари биринчи навбатда уй ҳўжалигида ишлатиладиган ва тезда топиладиган идишлар эди. Мураккаб дорилар кашф қилинган, уларни тайёрлаш узоқ ва машаққатли жараёни ва махсус муҳитни талаб қилган. Бу эса махсус асбоблар ва дори тайёрлайдиган ошхона(лаборатория)нинг пайдо бўлишига олиб келди. Маълумки, табобатнинг айрим соҳаларининг ривожланиши тарихнинг маълум даврида ёки айрим минтақада шу турдаги табибларга эҳтиёж катталигидан келиб чиққан бўлса, шу жараён табиий равишда табобат жиҳозларининг яратилиши ва қулай кўринишда бўлишига замин яратган.

Табобатда қўлланиладиган жиҳозларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам ўз кўринишини ва вазифасини сақлаб қолган. Айримларигина тиббиёт жиҳозлари билан (асосан жарроҳларда) тўлдирилган. Табиблар фаолиятининг сақланиб қолиши ҳамда улар ишлатадиган жиҳозларнинг амалда эканлигининг сабаби – табобат усуллари ва соҳа жиҳозларининг асрлар давомида амалий синовдан ўтганлиги, шу асосда табиб ўз беморларини йиллар давомида мувафақиятли даволаб келганлигидир. Табиблик жиҳозларининг бугунги кунга қадар етиб келгани халқ табобати анъаналарига баҳо беришда, унинг тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шу асосда табобат соҳаларининг умумий аҳволи, ривожланиш босқичлари, қолаверса соҳага доир атоқли табибларнинг фаолиятини тадқиқ қилиш мумкин.

Бугунги кунда табибларга тегишли касб қуроллари бир кўришда назарга илмайдиган даражада оддий ва содда кўриниши мумкин. Лекин ана шу асбобларнинг тараққий этиши ва шаклланиши замонавий тиббиёт жиҳозларининг юзага келишига олиб келди. Табобат илми ва анъаналари бевосита замонавий тиббиётнинг пайдо бўлиши ва тараққиётига сабаб бўлганлигини биргина табиблик жиҳозлари ва уларнинг трансформацияси орқали кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Pescherova E. Organizations of craftsmen in Central Asia in the late XIX th and early XX th centuries // Труды XXV Международного конгресса востоковедов 9–16 августа 1960 г. Москва, 1963. Т. III.

2. Ахмедов Р., Наимов Н. Бухоро тиббиёти тарихи. Б. Университет. 2009.

3. Богдан Рык. Бухарские хирурги // Туркестанские ведомости. 1903. № 53.

4. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий: Даво тадбирлари. Т. Турон замин зиё. 2011.

5. Фоййбов М. ва бош. Хива табобати.. Т. Абу Али Ибн Сино. 1995.

6. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қоракўл тумани. 2015-2016 йил.

7. Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Уйчи тумани. 2016 йил.

8. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри. 2015 йил.

9. Дала ёзувлари. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани. 2016 йил.

10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Фарғона тумани. 2015 йил.

11. Жовлиев А. Темур ва Темурийлар салтанати даврида Ўзбекистон ҳудудида жарроҳликнинг ривожланиши // Оила шифокори. 2000 йил 21 апрел.

12. Исординов Н. Туркистон анъанавий халқ табобати тарихидан // Тарих тилга кирганда. Даврий тўғлам № 9. Т. Наврўз. 2016.

13. Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том I. Новый Маргелан. 1891.

14. Қодиров А. Ўзбекистон тиббиёти тарихи. Т. 2000.

15. Қон олиб даволаш // Шарқ табобати. 2014. № 3.

16. Монаков Н. Возможность использования способов иммобилизации, применяемых народной медициной в Таджикистане // Известия АН Таджикской ССР, отделение естественных наук. Том VII. С.1954.

17. Моштабиб Абдуҷаббор Муҳаммад Собир ўғли. Асрлар ошган табобат. Т. Давр-пресс. 2007.

18. Мумиё шарқ табиблари талқинида // Шарқ табобати. 2014. № 2.

19. Мухамеджанов А., Семенов Г. Химическая лаборатория VIII века в Пайкенде // Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 3.

20. Сухарева О. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. М. Наука. 1978.

21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. Ўз МЭ. 2006.

22. Ўролов А. Ўтмишда даволаш муассасалари. Т. Фан. 1990.

23. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 18 жуз. Тиб ва дам. Т. Шарқ. 2010.

Резюме: В этой статье речь идёт об этнологических исследованиях и использовании инструментов в деятельности лекарей. Инструменты, которыми пользовались лекари, изучены в связи с народной медициной. И указаны инструменты, используемые представителями других профессий, занимающихся народной медициной.

Annotation: Using equipment is which during quack activities researcher in ethnologic respect in this article. Quack using equipment's were learn with fields of folk medicine. In addition, equipment's are given which other professionals are occupier with folk medicine.